

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.ФМ/К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЗРАТҚУЛОВА СЕВАРА МУСИНОВНА

**ТАБИИЙ ОКСИКИСЛОТАЛАР N-АЛМАШГАН
АКРИЛАМИДЛАРИНИ РАДИКАЛ ПОЛИМЕРЛАНИШИ**

02.00.06 – Юқоримолекуляр бирикмалар

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси
Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)
Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Ҳазраткулова Севара Мусиновна

Табиий оксикислоталар N-алмашган акриламидларини радикал полимерланиши..... 3

Ҳазраткулова Севара Мусиновна

Радикальная полимеризация N-замещённых акриламидов природных оксикислот..... 21

Khazratkulova Sevara

Natural hydroxyacids N-substituted of acrylamides radical polymerization 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works..... 42

**ПОЛИМЕРЛАР КИМЁСИ ВА ФИЗИКАСИ ИНСТИТУТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.FM/К/Т.03.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҲАЗРАТҚУЛОВА СЕВАРА МУСИНОВНА

**ТАБИИЙ ОКСИКИСЛОТАЛАР N-АЛМАШГАН
АКРИЛАМИДЛАРИНИ РАДИКАЛ ПОЛИМЕРЛАНИШИ**

**02.00.06 – Юқори молекуляр бирикмалар
(кимё фанлари)**

**КИМЁ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2017

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2017.1.PhD/К2 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ўзбекистон Миллий университетида бажарилган.

Диссертация автореферати икки уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифасида (polchemphys.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyo.net.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич
кимё фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Рафиқов Адхам Салимович
кимё фанлари доктори, профессор

Кудышкин Валентин Олегович
кимё фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Тошкент фармацевтика институти

Диссертация ҳимояси Полимерлар кимёси ва физикаси институти ҳузуридаги DSc.27.06.2017.FM/К/Т.03.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2017 йил «__» ____ соатдаги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел.: (+99871) 241-85-94; факс: (+99871) 241-26-61, e-mail: polymer@academy.uz)

Диссертация билан Полимерлар кимёси ва физикаси институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (__ рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100128, Тошкент шаҳри, Абдулла Қодирий кўчаси, 7^б. Тел.: (+99871) 241-85-94).

Диссертация автореферати 2017 йил «__» _____ куни тарқатилди.
(2017 йил «__» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

С.Ш.Рашидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, к.ф.д., профессор, академик

Н.Р.Вахидова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш котиби, к.ф.д.

В.О.Кудышкин

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги илмий семинар раиси, к.ф.д., профессор.

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда дунёда, ташқи таъсирларга сезгир, керакли физик-кимёвий хоссаларга эга янги стимул - сезгир полимерларга бўлган талаб тобора ортиб бормоқда. «Қишлоқ хўжалигида кенг қўлланиладиган ушбу полимерлар асосида олинган гидрогеллар ва стимуляторларнинг 10% ини стимул-сезгир полимерлар ташкил этади¹». Шунинг учун ҳам маҳаллий хомашёлар асосидаги тиббиётда, фармацевтикада, биотехнологияда ва қишлоқ хўжалигида қўлланиладиган стимул - сезгир полимерларни синтез қилиш муҳим аҳамият касб этади.

Мустақилликка эришгандан кейин мамлакатимизда кимё саноати ва қишлоқ хўжалигини ривожланишига катта имкониятлар яратилиб, натижада замонавий талабларга тўлиқ жавоб берадиган, экологик тоза ҳолда ишлаб чиқарилган акрил кислотаси асосида янги турдаги стимул-сезгир гидрогелларни олишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мазкур йўналиш бўйича ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация қилишни рағбатлантириш ҳамда қўллаб-қувватлаш бўйича амалга оширилган чоратadbирлар янги турдаги кимёвий маҳсулотлар, жумладан ўсимликларни ўстирувчи янги стимуляторлар ишлаб чиқаришнинг ўсишини таъминламоқда.

Жаҳон миқёсида маҳсус хоссали полимер материаллар синтез қилиш, жумладан, таркибида, турли хил стимул-сезгир хоссага эга бўлган функционал гуруҳлар тутувчи полимерлар олишнинг янги усулларини ишлаб чиқаришга алоҳида эътибор қаратилиб, бу борада амалга оширилаётган илмий изланишларда оксикислоталар ва турли мономерлар асосида юқори сифатли полимерлар олиш усулини яратиш долзарб вазифалардан бири ҳисобланади. Маҳаллий хом ашёлар асосида стимул-сезгир полимерлар олиш усулларини ишлаб чиқиш бўйича илмий-тадқиқот ишларида: табиий оксикислоталар асосида янги мономерлар синтез қилиш ва уларни идентификациялаш; акриламидо N-метилен гликол ва акриламидо N-метилен сут кислотаси асосидаги полимерларнинг ҳосил бўлиш кинетикаси ва механизмини аниқлаш; уларни рН ва термосезгир хоссаларининг турли омилларга сезувчанлигини аниқлаш ва бошқариш; биологик фаол моддаларни ажратиб олиш ва тозалаш; стимул-сезгир хоссаларга эга бўлган сувда эрувчан ва бўкувчан функционал полимерлар асосида самарали биологик фаол моддалар олиш каби масалалар долзарб ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги ПФ-4707-сон «2015–2019 йилларда ишлаб чиқаришни таркибий ўзгартириш, модернизация ва диверсификация қилишни таъминлаш бўйича чоратadbирлар дастури тўғрисида»ги Фармони ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 22 январдаги 8-сон «Саноатда ишлаб чиқариш харажатларини қисқартиришга ва маҳсулот таннархини

¹Agular M.R., Roman J.S., editors. Smart polymers and their applications. Oxford: Elsevier Ltd.; 2014. 552pp.

пасайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2016 йил 24 октябрдаги ПҚ-2640-сон «Ўсимликларни химоя қилиш ва қишлоқ хўжалигига агрокимёвий хизматларини кўрсатиш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланиши устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VII. «Кимё технологиялари ва нанотехнологиялар» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Сўнги йилларда стимул-сезгир полимерларни радикал полимерланиш ёрдамида, тайёр полимерларни модификациялаш орқали олинишига ва уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилинишига катта эътибор қаратилиб келинмоқда. Шу жумладан, бир қатор хориж олимлари Хохлов А.Р., Кабанов А.В., Agular M.R., Roman J.S., Roy D, Cambre J.N., Sumerlin B.S., Huayu Tian, Zhaohui Tang Igor Yu Galaev, Во Matiassonлар стимул-сезгир полимерларни бошқариладиган радикал полимерланиш орқали олиниши, уларни биоинженерия ва биотехнологияларда қўлланиши устида кенг қамровли тадқиқотлар олиб бормоқдалар. Юртимизнинг бир қатор етакчи олимлари Асқаров М.А., Рашидова С.Ш., Негматов С.С., Мусаев У.Н., Бабаев Т.М., Магруппов Ф., Джалилов А.Т., Кудишкин В.О. ва уларнинг шогирдлари томонидан табиий ва синтетик функционал полимер ва композициялар олинган ҳамда иқтисодиётнинг турли жабҳаларида қўлланилган.

Бироқ таркибида оксикислоталар тутувчи полиакриламидларни олиш жараёнининг кинетикаси ва механизми бўйича, уларнинг физик-кимёвий хоссалари ҳамда биологик фаоллигига оид тадқиқотлар олиб борилмаган. Табиий оксикислоталарни N-алмашган акриламидларининг радикал полимерланиши орқали бир вақтнинг ўзида ҳам карбоксил, ҳам амид гуруҳлар тутувчи стимул-сезгир хоссага эга бўлган янги турдаги сувда эрувчан ва бўкувчан полимерларни олиш, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини ўрганиш саноат учун импорт ўрнини босувчи рақобатбардош янги функционал полимерлар ҳамда узок таъсир этувчи биологик фаол моддаларни олишга шароит яратади.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон Миллий университети илмий-тадқиқот ишлари режасининг Ф-7-56 «Комбинирланган таъсирга эга стимул-сезгир полимер гел композициялар яратишнинг илмий асослари» (2012-2016 йй.); ОТ-3-Ф-151 «Полимерлар биологик фаол бирикмалар ташувчиси, ингибиторлар. Дитерпеноидларнинг таъсир механизми» (2007-2011 йй.) мавзусидаги фундаментал лойиҳалар доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади оксикислоталар асосидаги мономерларни радикал полимерланиши орқали стимул-сезгир полимерлар яратиш ҳамда уларнинг ўзига хос хусусиятларини аниқлашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

табiiй оксикислоталар асосида янги мономерлар: акриламидо-N-метилен гликол ва акриламидо-N-метилен сут кислотаси синтези ва идентификацияси;

олинган мономерларнинг радикал полимерланишини тадқиқ қилиш ва янги сувда эрувчан ҳамда бўкувчан стимул-сезгир полимерлар олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш;

акриламидо-N-метилен сут ва акриламидо-N-метилен гликол кислотасининг N,N-диэтилакриламид ва N-винилпирролидон билан сополимерланишини тадқиқ қилиш;

табiiй оксикислоталар акриламидлари асосида олинган полимерлар ва сополимерларнинг физик-кимёвий хоссаларини таҳлил қилиш ва стимул-сезгир хоссаларини аниқлаш;

олинган полимерлар қўлланилишининг истиқболли соҳаларини аниқлаш.

Тадқиқотнинг объекти. Табiiй оксикислоталар, акриламид, полиакриламид, оксикислоталар полимерлари ва сополимерлари.

Тадқиқотнинг предмети. Органик синтез, радикал полимерланиш, полимерларнинг кимёвий ўзгаришлари, физик-кимёвий хоссалар, биологик фаоллик.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар жараёнида ИҚ- ва ПМР-спектроскопия, элемент анализ, потенциометрия каби замонавий физик-кимёвий тажрибавий тадқиқот усуллари қўлланилган.

Диссертация тадқиқотининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

илк бор табiiй оксикислоталар асосида N-алмашган ионоген функционал гуруҳли мономерлар синтез қилинган, рН- ва термосезгир, сувда эрувчан ва бўкувчан полимерлар олишнинг мақбул шароитлари аниқланган;

муҳит-рН ва эритманинг ион кучи каби омилларни мономерларнинг радикал полимерланишига таъсири тасдиқланган, реакция кинетикаси ҳамда механизми Кабанов ва Топчиевнинг ион жуфтлар назариясига мос келиши тасдиқланган, мономерларнинг радикал полимерланиш жараёнини бошқариш исботланган;

синтез қилинган мономерларни диэтилакриламид, N-винилпирролидон билан сополимерланиши орқали янги термосезгир полимерлар олинган ва уларнинг термосезгир хоссаларини сополимерлар таркибини ўзгартириш орқали бошқариш мумкинлиги асосланган;

полиакриламидо-N-метилен сут кислотаси ўсимликлар ўсишини стимулятори сифатида қўлланилиши буғдой уруғларини униш самарадорлигига, пояларини ривожланишига ва ҳосилдорлигига самарали таъсири аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

полиакриламидо N-метилен сут кислотаси синтезининг лаборатория тажриба регламенти ва корхона стандарти ишлаб чиқилди ва уларга асосан йириклашган тажриба намунаси олинди;

сут кислотаси тутувчи полимерни ўсимликлар ўсишининг стимулятори сифатида қўллаш имкониятлари аниқлаб берилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Табиий оксикислоталар асосида синтез қилинган стимул-сезгир полимерлар ҳосил бўлиши ва хоссаларини тадқиқ қилиш орқали олинган натижалар ИҚ-, ПМР-, спектроскопиялар ва элемент анализ, потенциометрия каби замонавий усуллар ёрдамида олинганлиги уларнинг ҳақиқий эканлигини исботлайди. Стимул-сезгир полимерлар олиниш кинетикалари ва физик-кимёвий хоссалари бўйича натижаларнинг замонавий компьютер технологияси ёрдамида ва статистика усуллари билан математик таҳлил қилинганлиги уларнинг ишончли эканлигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти табиий оксикислоталар асосида мономерлар радикал полимерланиши кинетикасини ва олинган полимерни физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш орқали стимул-сезгир полимерлар олишнинг мақбул шароитларини аниқлаш билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти сут кислотаси асосидаги юқори молекуляр бирикмалар олиш орқали стимул-сезгир полимерларга бўлган эҳтиёжини қондиришдан иборат. Гулистон давлат университетида олиб борилган тадқиқотлар саноат полимери полиакриламид асосида олинган оксикислоталар тутувчи модда ўсимликлар ўсишини стимулятор турларини кенгайтириш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Табиий оксикислоталар N-алмашган акриламидларнинг радикал полимерланиши бўйича олинган илмий натижалар асосида:

сут кислотаси асосида олинган полимерлар Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманидаги «Тўхтаев Комил Тўхтаевич» фермер хўжалиги амалиётига татбиқ қилинган. (Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 18 январдаги 03/20-92 сон маълумотномаси). Натижада сут кислотаси асосида олинган полимер буғдой уруғларини унушини 70% дан 95% гача ва шўрланган тупроқларда ҳосил унумдорлигини 3-5% гача ошириш имконини берган;

оксикислоталар акриламидларнинг стимул-сезгир полимерларини радикал полимерланиш ёрдамида олиниши ҳамда полимерланиш жараёни Кабанов ва Топчиевлар назариясига мос келиши, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш, табиий ва синтетик функционал полимер олиш усулларида ОТ-3-Ф-151 рақамли «Полимерлар биологик фаол бирикмалар ташувчиси, ингибиторлар. Дитерпеноидларнинг таъсир механизми» (ЎЗМУ 2007-2011 йй.) илмий лойиҳада оксикислоталар асосида стимул сезгир

полимерларни доривор моддаларни мақсадли етказиб берадиган макромолекуляр терапевтик тизимлар олишга ва таъсир муддатини оширишга имкон берадиган тадқиқотларда фойдаланилган (Фан ва технологияларни ривожлантиришни муфовиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 18 январдаги ФТК-03-13/57-сон маълумотномаси). Илмий-тадқиқотлар натижасида янги стимул-сезгир полимерларнинг олиш шароитлари ва физик-кимёвий хусусиятлари аниқланган.

Тадқиқот натижасиларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари, жумладан 1 та халқаро ва 5 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 10 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистон Республикаси Олий Аттестация комиссиясининг фалсафа докторлик (PhD) диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган республика нашрларида 4 таси, жумладан 3 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.


ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ ҚИСМИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предметлари тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Стимул-сезгир полимерлар синтезининг ўзига хослиги ва хоссалари**» деб номланган биринчи бобида карбоксил гуруҳлар тутган мономерларнинг радикал (со)полимерланиши қиёсий тахлил қилинган ва уларнинг стимул – сезгир полимерлар сифатида биотехнологияда ва саноатда қўлланиши кўрсатилган.

Диссертациянинг «**Табиий оксикислоталар N-алмашган акриламидларнинг чизиқли ва чокланган полимерларини ҳосил қилиш қонуниятлари**» деб номланган иккинчи бобида табиий оксикислоталар асосида N-алмашган акриламидлар синтези келтирилган. Акриламидо-N-метилен - сут кислотаси (AA-N-МСК) ва акриламидо-N-метилен - гликол кислотаси (AA-N-МГК) синтези учун Манних реакциясидан фойдаланилган. Ушбу реакцияда акриламид формалдегид билан метилолакриламид ҳосил қилиб таъсирлашиши, кейинги маҳсулот табиий оксикислота билан бирикиши


натижасида қуйидаги схема бўйича акриламидо-N- метилен-сут ва гликол кислоталари ҳосил бўлиши кўрсатилган:



АА-N-МСК қуюқ рангли суюқлик, АА-N-МГК рангсиз, қовушқоқ ўзига хос ҳидга эга бўлган суюқлик. Улар сув, спирт, эфир, диоксан ва бошқа кутбли эритувчиларда эрийди, кутбсиз эритувчиларда эримайди. Мономерлар унумининг бошланғич реагентларга боғлиқлиги ўрганилганда, эквимольяр нисбатларда унум (62%-75% гача) юқори бўлиши кўрсатилган. Бошланғич компонентлар бир вақтда киритилганда ва реакция аралашмани 60⁰С гача 3 соат давомида доимий аралаштириб туриш ва бир хил равишда қиздириш мономерлар олишнинг мақбул шароити ҳисобланди.

Таъсирлашаётган компонентларни мономерларнинг эквимольяр нисбатида аралаштирилди. Реакция, 5-10 соат давомида 40-45⁰С ҳароратда олиб борилган. Олинган мономерларнинг тузилиши ИК, ЯМР, ПМР, спектроскопия, кислоталик миқдорини аниқлаш, молекуляр рефракция, элемент анализи асосида исботланган.

Синтез қилинган мономерларнинг сувли эритмаларда радикал полимерланиш кинетикаси дилатометрик усулда радикал инициатор динитрил азо-изомой кислотасининг (ДАК) иштирокида олиб борилди.




1–расм. ПАА-N-МСК ҳосил бўлиш унумининг реакция давомиёлигига (а) ва полимерланиш тезлигини инициатор концентрациясига боғлиқлиги (б). 1, 2, 3, 4- инициатор концентрацияси мутаносиб равишда 2,4; 3,6; 4,8; 6×10^{-3} ; моль/л. $[M]=0,6$ моль/л, $T=333K$.

1-расмда ПАА-N-МСК ҳосил бўлиши унумининг реакция давомийлигига (а) ва полимерланиш тезлигини инициатор концентрациясига боғлиқлиги (б) келтирилган ва берилган натижалар асосида реакциянинг инициатор бўйича тартиби 0,5 эканлиги аниқланган.

2-расмда берилган натижалар асосида реакциянинг мономер бўйича тартиби 1,37 эканлиги аниқланган. Натижалар оксикислоталар асосида олинган мономерлар полимерланиш тезлигининг умумий тенгламалари куйидагича кўринишга эга эканлигини кўрсатади:

$$\text{АА-N-МСК учун } V_n = K_m * [I]^{0,5} \times [M]^{1,37}$$

$$\text{АА-N-МГК учун } V_n = K_m * [I]^{0,5} \times [M]^{1,86}$$




2-расм. ПАА-N-МСК ҳосил бўлиш унумининг реакция давомийлигига (а) ва полимерланиш тезлигини мономер концентрациясига боғлиқлиги (б).

1, 2, 3, 4- мономер концентрацияси мутаносиб равишда 0,36; 0,6; 0,84; 1,08 моль/л, ([I]=6×10⁻³ моль/л, T=333К).

Мономер ва инициатор бўйича реакция тартиби сувли эритмаларда АА-N-МСК ва АА-N-МГК лар полимерланиши акрил мономерларининг одатий радикал полимерланиш қонуниятларига бўйсунуши, мономерларнинг реакция қобилияти эса АА-N-МГК > АА-N-МСК қаторда боришини кўрсатади. Реакция тартибининг мономер бўйича қиймати сувли эритмаларда ўрганилаётган мономерлар ассоциацияланганлигидан далолат беради.

АА-N-МСК ва АА-N-МГК лар ионоген функционал гуруҳлар тутганлиги учун, мономерларнинг полимерланиш реакция тезлигига ионоген гуруҳлар диссоциацияланишини ўзгаришига олиб келувчи турли хил омилларнинг таъсири тадқиқ қилинди. 3-расмдан кўришиб турибдики, мономерларнинг полимерланиш тезлиги рН га боғлиқлиги экстремал кўринишга эга бўлади, бунда боғланиш нейтрал муҳитда минимум орқали

ўтади. КСІ қўшилиши билан, яъни эритманинг ион кучи ортиши билан мономерларнинг полимерланиш тезлиги ҳам ортар экан.



3-расм. AA-N-MCK(a) ва AA-N-MFK(b). полимерланиш тезлигининг эритма рН га боғлиқлиги ([AA-N-MCK]=0,38 моль/л ва [AA-N-MFK]=0,29 моль/л, [I]=6×10⁻³ моль/л, T=333К).

AA-N-MCK ва AA-N-MFK нинг полимерланиш реакцияси тезлигини рН муҳит ва эритманинг ион кучига боғлиқлигини тушунтириш учун $K_p/K_0^{0,5}$ қийматлари самарали ингибитор сифатида 2,2,6,6-тетраметилпиперидил-N-оксил («ТЕМПО») ни қўллаб ингибирлаш орқали топилди. Олинган натижалар 1-жадвалга киритилди:

1-жадвал

AA-N-MCK ва AA-N-MFK нинг полимерланишида ингибирлаш тезлиги ва $K_p/K_0^{0,5}$ катталикларнинг қийматлари ([M]= 0,6 моль/л, [I]= 6×10⁻³ моль/л, T=333К)

Муҳит	$V \times 10^{-5}$, моль/л с		$V_{ин} \times 10^{-8}$, моль/л с		$K_p/K_0^{0,5}$, л ^{0,5} /моль ^{0,5} с ^{0,5}		
	AA-N-MCK	AA-N-MFK	AA-N-MCK	AA-N-MFK	AA-N-MCK	AA-N-MFK	АГК
рН=2	2,2±0,3	4,1±0,6 2	1,3±0,1 9	2,5±0,3 8	0,5±0,07 5	0,41±0,06	2,58±0,3 9
Вода (рН=6)	1,1±0,1 6	1,8±0,2 8	1,2±0,1 8	2,0±0,3	0,2±0,03	0,23±0,03	1,11±0,1 7
рН=8	1,9±0,2 9	3,2±0,4 8	1,5±0,2 3	2,3±0,3 5	0,4±0,06	0,35±0,05	1,55±0,2 3
μ=0,2 (рН=6)	1,8±0,2 6	2,4±0,3 5	1,3±0,1 9	2,1±0,3	0,26±0,039	0,3±0,045	1,39±0,2 1

1-жадвалда таққослаш мақсадида акрилоилгликол кислотасининг (АГК) радикал полимерланишидаги $K_p/K_0^{0.5}$ қийматлари келтирилган. Кўришиб турибдики бу қийматлар биз ўрганаётган мономерниқига нисбатан бир мунча катта. Акрил мономерларининг реакцион қобилиятининг бундай кескин фарқланиши мономерлардаги ўриндошларнинг ҳаракатчанлигини турличалиги билан изоҳланади. Акриламидларда гликол кислота амид боғ (қаттиқ, ички айланишда юқори потенциал тўсиққа эга бўлган) билан боғланган бўлса, АГК да эса ўриндошлар мураккаб эфир боғи (осон айлинувчан) боғланган. Шунинг учун АГК ни полимерланишида фазовий қаршилиқлар АА-N-МГК га нисбатан бир мунча камроқ. Шу сабабли мураккаб эфир мономер амиддан фаолроқ бўлади. Ундан ташқари, кислород атомининг электроманфийлиги азот атоминикидан юқори бўлганлиги учун, кўшбоғ электрон булутларининг зичлиги эфир мономерда ўриндошга томон бирмунча юқорироқ силжиган бўлади. Бундай силжиш АГК ни реакцион қобилиятини ортишига ва кўшбоғнинг осон узилишига сабаб бўлади.


Хулоса қилиб айтганда, янги стимул-сезгир хусусиятга эга бўлган реакцион қобилиятли полимерлар олиш мақсадида илк бор акриламидо-N-метилен-сут ва гликол кислоталари полимерланиш кинетикаси ўрганилди. Радикал полимерланиш винил мономерларига хос одатий қонуниятга бўйсунуши, мономерларнинг реакцион қобилияти эса АГК>АА-N-МГК>АА-N-МСК қаторда бориши аниқланди. Фаолликнинг бу қатори ўриндошларнинг ҳаракатчанлиги билан тушунтирилади, иккинчидан винил ва ўриндош орасидаги боғнинг табиати турличалиги билан исботланади. Мономерларда ионоген гуруҳларнинг мавжудлиги рН муҳитнинг реакцион қобилиятга таъсири билан изоҳланади. Бунда радикал полимерланиш тезлиги кислотали ва ишқорий муҳитларда нейтрал муҳитга нисбатан баландроқ бўлади. Уларнинг сувли эритмасига нейтрал тузнинг киритилиши полимерланиш реакциясининг тезлигини ортишига олиб келади. Тезликнинг ортиши $K_p/K_0^{0.5}$ катталиқларнинг қийматини ўзгариши билан тушунтирилади ва ушбу мономерларнинг полимерланиши Кабанов ҳамда Топчиевнинг ион жуфтлари назариясига бўйсунушини кўрсатади.

Сувда эрувчан ва сувда бўкувчан стимул-сезгир полимерларнинг олиниш усулларида бири, ўрганилаётган мономерларнинг гидрофил мономерлар билан сополимерланишидир. Шу сабабдан акриламидо-N-метилен сут кислотасининг N-винилпирролидон (ВП) билан радикал сополимерланиши ўрганилди.

ВП ни АА-N-МСК сополимерланиш жараёнида мономернинг сополимерга ўтиш конверсияси 10% дан ошмади. Сополимер таркиби потенциометрик титрлаш усули орқали аниқланди. Олинган сополимернинг тузилиши ИҚ-спектроскопия ёрдамида исботланди.

4-расмда, сополимерланиш тезлигининг мономерларнинг бошланғич нисбатига боғлиқлиги келтирилган. Кўришиб турибдики, бошланғич мономерлар таркибида АА-N-МСК миқдори кўпайиши билан тезлик ортар

экан. ВПни фаоллиги АА-N-МСК нисбатан бирмунча камроқ экан. Сувли эритмада ўтказилган кинетик тадқиқотлар 20% ВП тутган системада мономер ҳамда инициатор бўйича реакция тартибини топишга имкон берди.




4-расм. АА-N-МСК ни N-ВП билан сополимерланиши кинетикаси. 1,2,3,4,5 - АА-N-МСК билан N-ВП нисбати мутаносиб равишда 8:2, 6:4, 5:5, 4:6, 2:8 $[I]=1,13 \times 10^{-2}$ T=333K. $[M]=1,5$ моль/л.

Сувли эритмада АА-N-МСК ва N-ВП радикал сополимерланишнинг умумий тезлик тенгламаси қуйидагича эканлиги аниқланди:

$$V=K[I]^{0,5} \times [M]^{1,5}$$

Жараённинг радикал турдалиги фаолланиш энергияси орқали ҳам кўриниб турибди, $E=60,3$ кДж/моль.




5-расм. АА-N-МСК - N-ВП системада сополимер таркибининг бошланғич мономер аралашмаси таркибига боғлиқлиги.

Сополимер таркибининг бошланғич мономер аралашмаси таркибига боғлиқлиги 5-расмда келтирилган. Кўриниб турибдики, сополимер аввал АА-*N*-МСК билан сўнгра винилпироллидон билан боймоқда. Мономерларнинг реакцион қобилиятини баҳолаш учун ўрганилаётган системанинг сополимерланиш константалари ҳисоблаб топилган. Қийматлар 2-жадвалга киритилган.

2-жадвалдан кўриниб турибдики, АА-*N*-МСКнинг нисбий реакцион қобилияти *N*-ВП никига нисбатан юқорироқ экан. Сополимерланиш константалари 1 дан кичик, демак олинган сополимерлар такрорий тузилишга эга бўлади.

Акриламидо-*N*-метилен гликол кислотасининг *N*-винилпирролидон ва акриламидлар билан сополимерланиши рН сезгир хоссали полимерларни ўрганиш мақсадида АА-*N*-МГК нинг *N*-ВП ва АА билан ДАК иштирокида сувли эритмаларда сополимерланиши ўрганилди.

6-расмда юқорида ўрганилаётган системалар учун сополимер таркибининг бошланғич мономерлар аралашмасига боғлиқлиги келтирилган. Ҳолат диаграммаси $r_1 < 1$ и $r_2 < 1$ га мос келади. Турли усуллар билан аниқланган сополимерланиш константалари 2-жадвалда келтириб ўтилган. Кўриниб турибдики, АА-*N*-МГК мономер АА ва *N*-ВП га нисбатан фаолроқ экан. Бунинг сабаби оксикислоталар таркибидаги қўшбоғнинг фаоллигини ошириб берувчи карбоксил гуруҳнинг борлиги ҳисобланади.



6-расм. 1- АА-*N*-МГК нинг АА билан ва 2- АА-*N*-МГК нинг *N*-ВП билан сополимерланишида сополимер таркибининг бошланғич мономер аралашмалари таркибига боғлиқлиги. 1- АА-*N*-МГК ва АА; 2- АА-*N*-МГК ва *N*-ВП

Термо- ва рН-сезгир полимерлар олиш мақсадида *N,N*-ДЭАА нинг МАГК ва АА-*N*-МСК билан сополимерланиши ўрганилди. Ҳар икки ҳолатда ҳам

сополимер таркибининг бошлағич мономер аралашма таркибига боғлиқлиги азеотроп эгрини кесиб ўтадиган кўринишга эгаллиги аниқланган.

Сомономерларнинг нисбий фаоллик қийматлари (2-жадвал) АА-N-МСК ва МАГК ларнинг N,N-ДЭАА га нисбатан фаолигини кўрсатади.

2-жадвал

Сополимерланиш константалари ва оксикислоталар асосида синтез қилинган мономерларнинг гидрофил сомономерлар билан сополимерланишида радикал фаолигининг қийматлари


Сополимерлар		Метод	r_1	r_2	$1/r_1$	$1/r_2$	$r_1 \cdot r_2$
M_1 (r_1)	M_2 (r_2)						
АА-N-МСК	ВП	Келен-Тюдош	0,16	0,076	6,25	13,16	0,01216
		ЕБР	0,19	0,071	5,26	14,08	0,01349
АА-N-МГК	ВП	Келен-Тюдош	0,48	0,074	2,083	13,51	0,0355
		ЕБР	0,48	0,093	2,083	10,73	0,045
АА-N-МГК	АА	Келен-Тюдош	0,12	0,065	8,33	15,38	0,0078
		ЕБР	0,17	0,05	5,88	20	0,0085
АА-N-МСК	N,N-ДЭАА.	Келен-Тюдош	0,43	0,103	2,33	9,71	0,0443
		ЕБР	0,45	0,10	2,22	10	0,045
МАГК	N,N-ДЭАА.	Келен-Тюдош	0,877	0,286	1,14	3,49	0,251
		ЕБР	0,842	0,325	1,18	3,08	0,273

Диссертациянинг «**Табиий оксикислоталар N-алмашган акриламидлари полимерларининг физик – кимёвий хоссалари**» деб номланган учинчи бобида, табиий оксикислоталар асосида N-алмашган акриламидли полимерларни физик - кимёвий хоссаларини ўрганиш натижалари келтирилган.

ПАА-N-МСК ва ПАА-N-МГК сувда, метанол, этанол, ДМФА, ДМСО ва бошқа айрим кутбли эритувчиларда эришини, эфир, бензол ва углеводородларда эримаслигини тажрибалар кўрсатиб берди. ПАА-N-МСК ва ПАА- N-МГК сувли эритмасининг келтирилган қовушқоқлигини полимер концентрациясига боғлиқлиги полиэлектролитларга хос характерга эгаллигини кўриш мумкин. ПАА-N-МСК ва ПАА- N-МГК сувли эритмаларининг 0,001 молярли HCl эритмаси $\eta_{уд}/C$ нинг C га боғлиқлиги тўғри чизикли характерга эга экан, бу эса ионланиш жараёнида кузатилмаган ҳолда уларнинг

гидродинамик хоссаларини ўрганиш имконини беради. ПAA-N-МСК ва ПAA-N-МГК лар сувли эритмаларининг потенциометрик титрлаш маълумотларига кўра, улар $pK_0=4,0$ ва 3,8; қийматга тенг бўлган поликислоталар синфига тегишли эканлиги кўрсатилган. Полиакриламиднинг сут кислотаси билан модификацияси маҳсулотларида уларнинг сувли эритмаларини титрлаш жараёнида конформацион ўтиш кузатилади эркин энергия қиймати полимерда сут кислотасининг миқдори кўпайиши билан ортиб боради.

Сополимерларнинг термосезгир хоссаларини ўрганиш учун AA-N-МСК ни N,N – ДЭАА билан сополимерининг сувли эритмасини турли хароратлардаги қовушқоқлиги ўрганилди. Бунда температура ортиши билан полимер эритмаларининг қовушқоқлиги камайиши кузатилди, бу ҳолат аралашувнинг қуйи критик хароратига эга бўлган системаларига хосдир (АҚКХ).



7-расм. Турли рН-муҳитидаги полимер гелларнинг бўқиш кинетикаси. Т=298К. ПAA- N-МГК (а) 1, 2, 3, 4, - рН=9,15; 6,85; 3,15; 1,68; ПAA-N-МСК(б) 1, 2, 3 - рН=9,18; 6,85; 1,68 мос равишда.

Олинган гидрогелларнинг рН-сезгирлик хоссасини ўрганиш учун полимер гелларнинг (ПГ) сувли эритмаларда бўқиш кинетикаси ўрганилди. рН кўрсаткичини ортиши бўқиш даражасининг ортишига, эритма ион кучининг ортиши эса камайишига олиб келар экан (7-расм). Бунинг сабаби рН қиймати камайиши ва эритма ион кучининг ортиши ПГ учун ёмон эритувчилигини исботлайди. Бу макромолекуланинг ўралишига олиб келади ва ПГ ни бўқиш даражаси камаяди.

**Кислотали ва ишқорий муҳитда бўқиш даражаси ва константасига
хароратнинг таъсири**

рН муҳит	Т, К		b_{\max}		$K \cdot 10^{-3}$	
	АА- N- МГК	АА- N- МСК	АА- N- МГК	АА- N- МСК	ПАА- N- МГК	ПАА- N- МСК
1,68	298		12	8	4	4
	308		16	13,8	20	13
	318		9	4,5	8	2
12,45	298		37,5	12	20	6
	308		45,5	13,3	57	17
	318		31,5	8,2	21	8

3-жадвалда бўқиш константаларининг ҳар хил ҳароратларда кислотали ва ишқорий муҳитлардаги қийматлари берилган. Кўришиб турибдики, нафақат бўқиш даражаси, балки константасининг ҳароратга боғлиқлиги ҳам экстремал характерга эга экан.

Бундай экстремал кўриниш ўрганилаётган тизимларда иккита критик ҳароратнинг мавжудлигидан далолат беради.

Шу тариқа, полимер таркибида амид гуруҳлар билан бирга, карбоксил гуруҳларнинг мавжудлиги полимернинг ноёб хоссаларининг юзага келишига олиб келади: уларнинг эритмаларида аралашувнинг икки критик ҳароратлари кузатилади.

Диссертациянинг шу бобида полиакриламидо-N-метилен сут кислотасининг биологик фаоллиги бўйича олиб борилган тадқиқотлар келтирилган бўлиб, улар натижасида ўрганилаётган полимер ўсимликлар ўсишини бошқарувчи восита сифатида қўлланилиш имкониятларини кўрсатди. Бунда сут кислотасининг полимер шакли буғдой уруғларини унишини 70% дан 95% гача оширган. «Дўстлик» навли буғдой кўчатини 40% самаралироқ ўстиради.

Диссертациянинг «**Полимерларнинг кимёвий ўзгаришларини олиб бориш услублари**» деб номланган тўртинчи бобида қўлланилган реактивларнинг хоссалари, мономерларни радикал полимерланиши ва сополимерланиши ва тадқиқотлар услублари ёритилган.

ХУЛОСА

1. Илк бор табиий оксикислоталар асосида акриламидо-N-метилен гликол, акриламидо-N- гликол, акриламидо-N-метилен сут, акриламидо-N-сут кислоталари синтез қилинди. ИҚ-. ЯМР- спектроскопияларини таҳлил қилиш олинган мономерларнинг тузилишини исботлаш имконини беради.

2. Акриламидо-N-метилен гликол, акриламидо-N-метилен сут кислоталарининг сувли эритмадаги радикал полимерланиш кинетикаси тадқиқ қилинди ва ўхшаш маълум мономерлар полимерланиш кинетикаси билан таққосланди. Мономерлар полимерланишининг тезлиги, акрил мономерлар радикал полимерланишининг қонуниятларига бўйсунishi, оксикислотани мураккаб эфир орқали боғланган мономер, амид гуруҳлари орқали боғланган мономердан бирмунча фаолроқ эканлиги кўрсатилди. Олинган натижалар ва квант-кимёвий ҳисоблар мономерларнинг реакцион қобилиятлари орасидаги фарқ мономер винил гуруҳлари қўшбоғдаги ўриндошларнинг ҳаракатчанлигига боғлиқ эканлигини тушунтириш имконини беради.

3. Тадқиқ қилинаётган мономерлар полимерланиш тезлигини рН га боғлиқлиги экстремал кўринишга эгаллиги аниқланди. Тезликни кислотали ва ишқорий муҳитларда ортиши $K_p/K_o^{0.5}$ катталикларнинг қийматини ўзгариши билан тушунтирилди ва ушбу мономерларнинг полимерланиш жараёни Кабанов ҳамда Топчиевнинг ион жуфтлари назариясига бўйсунishi исботланди.

4. рН ва термосезгир полимерлар олиш мақсадида илк бор акриламидо-N-метилен гликол, акриламидо-N-метилен сут кислоталарининг N-винилпирролидон, акриламид, N,N-диэтилакриламид билан сополимерланиши амалга оширилди. Оксикислоталар асосида олинган сомономерлар фаоллиги бирикаётган мономерлар фаоллигидан бир мунча юқорироқ эканлиги тасдиқланди. Мономерларнинг бундай юқори реакцион фаоллиги улар таркибида карбоксил гуруҳлар борлиги билан тушунтирилади.

5. Табиий оксикислоталар асосидаги чизиқли ва чокланган полимер ҳамда сополимерлар сувли эритмаларининг қовушқоқлигига, бўкиш кинетикаси ва коллапсига муҳитнинг рНи ва ҳароратини таъсирини тадқиқ қилиш орқали уларда рН- ва термосезгир хоссалари мавжудлиги кўрсатилди. Полимерлар таркибида амид ва карбоксил гуруҳларнинг мавжудлиги уларда текширилган ҳарорат оралиғида аралашувнинг икки критик ҳароратидек ноёб хоссанинг пайдо бўлишига олиб келади.

6. Полиакриламидо-N-метилен сут кислотасини биологик фаоллиги устида олиб борилган тадқиқотлар ўсимликларни ўстирувчи стимуляторлар сифатида қўлланилиш имкониятларини кўрсатди. Бунда сут кислотасининг полимер шакли «Дўстлик» навли буғдой ниҳолларини унишини 15-20%га ва ўсишини 40% ошириш имконини беради. Сут кислотаси асосидаги сувда эрувчан полимер буғдой уруғини унишини кучайтирувчи восита сифатида Қашқадарё вилояти Шаҳрисабз туманида жорий қилинди. (Ўзбекистон Республикаси қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг 2017 йил 18 январдаги 03/20-92 сонли жорий қилинганлиги тўғрисидаги маълумотномаси). Ушбу полимернинг 10 гектар буғдой экилган ўртача шўрланган ерда қўлланилиши натижасида 1,6 млн сўм қийматдаги иқтисодий самарадорликка эришилади.

7. Оксикислоталар акриламидларнинг стимул – сезгир полимерларини радикал полимерланиш ёрдамида олиниши ҳамда полимерланиш жараёни

Кабанов ва Топчиевлар назариясига мос келиши, уларнинг физик-кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш, табиий ва синтетик функционал полимер олиш усулларида ОТ-З-Ф-151 рақамли «Полимерлар биологик фаол бирикмалар ташувчиси, ингибиторлар. Дитерпеноидларнинг таъсир механизми» (ЎзМУ, 2007-2011 йй.) илмий лойиҳада оксикислоталар асосида стимул сезгир полимерларни доривор моддаларни мақсадли етказиб берадиган макромолекуляр терапевтик тизимлар олишга ва таъсир муддатини оширишга имкон берадиган тадқиқотлардан фойдаланилган (Фан ва Технологияларини ривожлантиришни муфовиқлаштириш қўмитасининг 2017 йил 18 январдаги ФТК-03-13/57-сонли маълумотномаси). Илмий тадқиқотлар натижасида янги стимул-сезгир полимерлар яратилган.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017. FM/К/Т.03.01
ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНОЙ СТЕПЕНИ
ПРИ ИНСТИТУТЕ ХИМИИ И ФИЗИКИ ПОЛИМЕРОВ**

НАЦИОНАЛЬНЫЙ УНИВЕРСИТЕТ УЗБЕКИСТАНА

ХАЗРАТКУЛОВА СЕВАРА МУСИНОВНА

**РАДИКАЛЬНАЯ ПОЛИМЕРИЗАЦИЯ N-ЗАМЕЩЁННЫХ
АКРИЛАМИДОВ ПРИРОДНЫХ ОКСИКИСЛОТ**

02.00.06 – Высокомолекулярные соединения

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ХИМИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2017

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.1.PhD/К2

Диссертация выполнена в Национальном университете Узбекистана.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (polchemphys.uz) и информационно-образовательном портале «ZiyoNet» (www.ziyo.net.uz).

Научный руководитель: **Мухамедиев Мухтаржан Ганиевич**
доктор химических наук, профессор

Официальные оппоненты: **Рафиков Адхам Салимович**
доктор химических наук, профессор

Кудышкин Валентин Олегович
Доктор химических наук, профессор

Ведущая организация: **Ташкентский фармацевтический институт**

Защита диссертации состоится «___» _____ 2017 г. в «_____» часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.FM/К/Т.03.01 при Институте химии и физики полимеров (Адрес: 100128, г.Ташкент, ул.Абдулла Кадыри, 7^б, Тел.: (998-71)-241-85-94; факс: (998-71) 241-26-61; e-mail: polymer@academy.uz)

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Института химии и физики полимеров за №___ (100128, г. Ташкент, ул. Абдулла Кадыри, 7^б, Тел.: (998-71)-241-85-94).

Автореферат диссертации разослан «___» _____ 2017 года.
(протокол рассылки № _____ от _____ 2017 года).

С.Ш. Рашидова

Председатель научного совета по присуждению
учёной степени, д.х.н., профессор, академик

Н.Р. Вахидова

Учёный секретарь научного совета по присуждению
учёной степени, д.х.н.

В.О. Кудышкин

Председатель научного семинара при научном совете
по присуждению учёной степени, д.х.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. На сегодняшний день в мире всё больше возрастает потребность к новым стимул-чувствительным полимерам с необходимыми физико-химическими свойствами, которые восприимчивы к изменениям в окружающей среде. «10% гидрогелей и стимуляторов, широко применяемых в сельском хозяйстве и получаемых на основе этих полимеров, составляют стимул-чувствительные полимеры»¹. Поэтому синтез применяемых в медицине, фармации, биотехнологии и сельском хозяйстве стимул-чувствительных полимеров на основе местного сырья, имеет важное значение.

С обретением независимости в нашей стране были созданы большие возможности по развитию химической промышленности и сельского хозяйства, в результате чего уделяется большое внимание по получению новых стимул-чувствительных гидрогелей на основе экологически чистых акриловой кислоты. Проведенные мероприятия по данному направлению при стимулировании и поддержке модернизации и диверсификации производства обеспечивает рост производства новых видов химической продукции, в том числе стимуляторов роста растений.

В мире синтезу полимерных материалов с комплексом особых свойств, в том числе новых методов получения полимеров содержащих в своём составе различные стимул-чувствительные функциональные группы уделяется особое внимание, при этом в проводимых научных исследованиях одной из актуальных задач считается создание методов получения высококачественных полимеров на основе мономеров и оксикислот. При разработке методов получения стимул-чувствительных полимеров актуальными задачами считаются: синтез и идентификация новых мономеров на основе природных оксикислот, определение кинетики и механизма образования полимеров на основе акриламида N-метилена гликолевой, акриламида N-метилена молочной кислоты, выявление и регулирования их рН- и термочувствительных свойств и чувствительности к различным факторам, очистка, выделение и очистка биологически активных веществ, получение эффективных биологически активных веществ на основе водонабухающих и водорастворимых функциональных полимеров со стимул-чувствительными свойствами считаются актуальными.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, предусмотренных в указе и постановлении Президента Республики Узбекистан № УП-4707 от 4 марта 2015 года «О программе мер по обеспечению структурных преобразований, модернизации и диверсификации производства на 2015-2019 годы» и постановления Кабинета Министров Республики Узбекистан № 8 от 22 января 2015 года «О дополнительных мерах по сокращению производственных затрат и снижению

¹ Agular M.R., Roman J.S., editors. Smart polymers and their applications. Oxford: Elsevier Ltd.; 2014. P-552.

себестоимости продукции в промышленности», постановлении Президента Республики Узбекистан № ПП-2640 от 24 октября 2016 года «О мерах по совершенствованию системы защиты растений и агрохимического обслуживания сельского хозяйства» а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологии в республике. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VII. «Химические технологии и нанотехнологии».

Степень изученности проблемы. В последнее время большое внимание уделяется получению стимул-чувствительных полимеров радикальной полимеризации или модификацией готовых полимеров и исследованию их физико-химических свойств. В том числе на ряду с зарубежными учёными Хохлов А.Р, Кабанов А.В., Agular M.R., Roman J.S., Roy D, Cambre J.N., Sumerlin B.S., Huayu Tian, Zhaohui Tang, Igor Yu Galaev, Bo Matiasson проведены широкие исследования по получению стимул – чувствительных полимеров методами регулируемой радикальной полимеризации и применению их в биотехнологии и биоинженерии. Ведущими учёными нашей страны М.А. Аскарлов, С.Ш. Рашидова, С.С. Негматов, У.Н. Мусаев, Г. Рахманбердиев, Т.М. Бабаев, Ф. Магрупповым, А.Т. Джалилов, А.С.Рафиков, В.О. Кудишкин и их учениками получены природные и синтетические функциональные полимеры, их композиции, применяемые в различных областях экономики.

